



НУРАЛИ ҚОБУЛНИНГ “САВОБ” ҲИКОЯСИДА СУВ ВА УНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ

Толипова Аида Муратовна

ТТЕСИ 1курс докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7703761>

Аннотация

Тезисда «Савоб» ҳикоясида эна образ ва унинг сувга бўлган мифик ёндашуви асосида оддий халқ орасида сақланиб қолган юксак қадриятнинг бадиий-эстетик вазифаси кўрсатилган. Бунда ёзувчи эна ва ровий-персонаж ўртасидаги аждод ва авлод муносабатлари халқ маънавий қадриятларини сақлашнинг ўзига хос усули эканлигини бадиий ифодалаган.

Калит сўз ва иборалар: ҳикоя, образ, сув, миф, мифик тушунча.

Ёзувчи табиатни муқаддас деб тушунадиган одамларни тасвирлар экан, бу ерда, аввало, улар тафаккуридаги қарашнинг илдизи мифик даврдаги тотемистик, анимистик ва фетишистик қарашларга боғлиқлигига ишора қилади. Зеро, бадиийлик асосида мифопоэтике унсурлар ётиши барчамизга маълум ҳодисадир. “Бадиийлик, уни ташкил этувчи омиллар онтологиянинг асосидир. Онтология – қадриятининг тирик, мангу эканини кўрсатувчи таълимот...Қадриятнинг тирик, яшовчанлигини ҳис этиш эса уни қалб кўзи билан кўриш, санъатшунослик қонуниятлари билан исботлаб бериш демак”дир [2 ,123]. Шу маънода ёзувчи учун халқ қадрияти бўлган инсонни қадрлаш, табиатни соф сақлаш ва бунда аждодлардан мерос бўлиб келаётган турли мифик тушунчалардан фойдаланиш ҳикоя бадиийликни таъминловчи восита бўлган дейиш мумкин. Нурали Қобулнинг бошқа бир “Савоб” номли ҳикоясида эса сувни муқаддас деб биладиган ва унинг энг тозасини тонгда **пақирда** олиб келганининг савобини ўтган яқинлари руҳига бағишлаш ҳақидаги сюжет воқеасида ҳам мифик тушунчаларга омухталикини кузатиш мумкин [4, 68-73]. Аслида ўтган ота-она, бобо ва момоларни яқинларни киши доимо қўмсайди, уларнинг яхши ишлари, ёрқин характерлари тез-тез ёдга олиниб, улар ҳаққига дуо қилиб туриш қадрият саналади. Лекин ана шу жараёнда аждодларини эсга олаётган эна ҳам меҳрга, қадрлашга лойиқ эканлиги ҳикояда аниқ тасвирланган. “Мен эса энамга халақит бермаслик учун ўзимни ухлаганга солиб ётаман. Бироқ қайтиб келгунларига қадар юрагимни ҳовучлаб эшик пойлайман. Яхлит ойна қўйилиб, атрофи сувалган орқа деразадан кеча энам айтиб берган афсонадаги




Дунётепаннинг деви келиб мўралаётганга ўхшарди.Энамнинг қадам товуши эшитилиши билан девлар дераза ёнидан нари кетгандек туюлар, назаримда, энамдан барча дев, алвасти, ажина ва сариқ қизлар кўрқижарди. Сабаби, энам уларни бир дуо билан тошга айлантириб ташлайдилар”[4, 68-69].

Айнан шу ҳикоясида ровий-персонаж нутқида дев, ажина, сариқ қизлар каби мифик образлар ҳам тилга олинади. Лекин улар катта бадий-эстетик юкламага эга эмас. Аммо персонажнинг руҳияти, дунёқарашини ва ниятини ифодалаш учун етарли бўлган. Ровий-персонаж энасининг ўз ҳаётидаги улкан аҳамияти, қадрини кўрсатиш учун мифик образларни келтириб, улардан энаси орқали халос бўлишини, энаси уларни дуо билан тошга айлантириб қўйиши, деган тушунча остида катта инсоний меҳр ва унинг ғайритабиий қудрати ётибди. Ровий-персонаж буни халқнинг ибтидоий тушунчаси асосида содда ва тўғри тушунтиради.

Қизиғи, бола, тугул бугунги катта китобхон кўпаб тушунавермайдиган сув ташиш одати, аниқроғи, савоб учун сойдан ярим тунда икки пақир сув олиб чиқиш, устини ёпиб, сақлаш ва уни қайта сойга тўкиб ташлаш одати ўзига хос тарихга эга. Бу ерда қадимда сув культ билан боғлиқ жараён мавжуд. Қадимда одамлар сойнинг сувини ярим тундан тонгга қадар бўлган вақтда (айнан шу пайтда сойга одам, ҳайвон тушмайди ва у тоғдан тоза ҳолда тушади) олиб келиш ва ундан мадад сўраш, ҳосилдорлик яхши бўлиши, сув мўл бўлишини тилаш ва бу тилакларни сувга оқиздириш орқали уни сув маъбудига етказиш расм бўлган. Хусусан, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги “Суст хотин” маросим қўшиғи ва унинг моҳияти шунга яқин келади. Чунки “сув оламни асоси бўлган тўрт (тупроқ, сув, ҳаво, олов) унсурлардан бири бўлиб, турли мифологияларда сув ибтидо, барча моддия нарсаларнинг бошланиши деб қаралади” [1 ,240]. Масалан, ўзбек адабиёти намуналарида ҳам “Оламнинг яратилиши” ҳақидаги миф келади. Унда Яратган ва одам ўрдак шаклида дунёни айланиб учишади ва шунда ўрдак қиёфасидаги одам чарчаб қолади. Буни кўрган Яратган унга сув тубидан тупроқ олиш чиқишни буюради ва ўрдак сувга шўнғиб, тумшуғида сув тубидан тупроқ олиб чиқади. Яратган ана шу тупроқдан оламни яратади [3,10-14].

Аслида ўзбек фольклоршунослигида сув маъбуда саналган Эр Хубби билан боғлиқ тушунча ва қарашлар сақланиб қолган. Ёзувчи ҳам мазкур ҳикояда эна образи орқали ана шуни етказди. Масалан, ровий энасидан нимага сув ташиши ва уни кундузи олиш мумкин эмасми, деб сўрагандаги





жавоби диққатга сазовор саналади. Лекин ровий-персонаж бирданига бундай савол бермайди. Унгача энасини ҳам афсонавий образга яқинлаштирган ўринни баён қилади. Бу кечаси сув ичишга турганидан кейин қайд этилади: “Кечаси сувсаб, уйғониб кетдим. Энамни уйғотиб юбормаслик учун оёқучида юриб, кружкани қидираётгандим:

– Усти ёпиғлиқ челақдан сув ичмагин. Қумғонда сув бор, – дедилар энам кўрпадан бошларини чиқариб.

Ҳайрон бўлдим. Қумғондаги сувдан ичиб ўрнимга чўзилдим энамнинг гапларини ўйлай бошладим. Хаёлимдан “Энам дуо ўқиб, сувни сеҳрлаб қўйганмикан”, деган фикр ўтди. Шунда энам янада афсонавий бўлиб туюлди”[4, 70]. Мазкур парчада боланинг тасаввури кенглиги ва у энасининг сувни асраши ва ҳатто ичишга рухсат бермаганидан кейин хаёлига келган фикрда энасининг ўзини ҳам афсонавий образ сифатида тасаввур қилиши таъкидланади. Айнан “*Шунда энам янада афсонавий бўлиб туюлди*” деган гапда шу пайтгача энасини афсонавий деб билганлигига ишора бор.

Ровий-персонаж сувни ярим тунда олиб келиш ва маълум муддат сақлаб, яна қайтариб тўкиб келишининг моҳиятини билмасдан бунинг сабабини бошқа куни энасидан сўрайди:

– Бугун кечаси ҳам сув олиб келасизми, эна? – сўрадим ўзимни бепарво кўрсатиб.

– Ҳа, бўтам. Кечаси эл оёғи тинганда, – дедилар тугаган ип учини калавага тиқиб қўяркан.

...ўша икки челақ сувни олиб, чиқиб, олиб тушган меҳнатимни ва уни тоза асрагим савобини ота-онамнинг арвоҳига бағишлайман. Тоза сув кечаси билан марҳумлар ҳақиқа дуо ўқирмиш. Ҳаром-ҳариш мол топиб, йилда бир неча бор худойи қилгандан кўра, икки челақ сувни озода асраб, ота-она арвоҳини ёд олган маъқул...[4, 72].

Парчада сувнинг кечаси дуо ўқиши архаик мифнинг қолдиқлари бўлиб, эна образида қадрият сифатида сақланиб, энди набирага ҳам ўтмоқда. Тўғри, якка Худолик шакллангач, одамлар мифик тушунчаларни унутишган, аммо унинг асоси бўлган сув ва уни сақлаш, сақланган сув дуо ўқиши, яъни уни тирик ва қудратга эга деб билиш, дуони аجدодлар руҳига бағишлаш исломий тушунчалар билан қоришиқ ҳолда сақланиб қолган. Айнан шу жиҳати мазкур ўринда сувни неомифологизмга айлантирган. Чунки архаик миф ва унинг тушунчаси асрлар давомида дастлабки мазмун-моҳиятини йўқотиб, фақат бир қисминигина сақлаб қолган. Улар





ҳикоя таркибига кирганда образларнинг характери, дунёқараши, ботиний оламини ифодалашга хизмат қилган. Шунинг учун уларни янги мифик тушунча ва қарашларни ифодаловчилар деб аталади.

Тўғри, ёзувчининг барча асарларида ҳам неомифологизмларни учратмаймиз. Айниқса, охириги йилларда яратилган тарихий асарларида неомифологизмлар деярли учрамайди. Аммо, ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йиллар бошидаги ҳикоя ва қиссаларида кўзга ташланди. Демак, ўша даврда ёзувчида шунга эҳтиёж катта бўлган. Кейинроқ эса бундай мифопоэтик унсурлардан камроқ фойдаланган.

Мулоҳазаларни яқунлаб таъкидлаймизки, Нурали Қобул турли ҳикояларидаги персонажларга мифик образ ва тушунчаларни киритиш орқали ҳикоянинг бадиийлигини шартланганлик асосида таъминлаган. Бу эса шу типдаги асарларни оддий халққа яқинлашуви ва бадиий жиҳатдан етуқлигини кучайтирган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2 томах. Гл.ред. С.Токарев. – Москва: Советская энциклопедия, 1980. – Т.1. А-К. – 672 с.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.
3. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд / Тузувчилар: Насимхон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев. – Тошкент: Фан, 2003, – 322 с.
4. Қобул, Нурали. Маймунлар мамлакати ёхуд ёввойлар орасида (ҳикоялар). – Тошкент: Ijod-press, 2017. – 248 б.

